*Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir*
*Высшее благо медицины — здоровье*

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 21-27 август № 33 (549) Сешанба кунлари чиқади

## КЕЛАЖАККА МУНОСИБ АВЛОД

***Истиқлолимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида эндигина кўз очган жажжи чақалоқни асраб-авайлаб, ўз бағрига олишга интилаётган бахтиёр онанинг қувончларини бир сўз билан ифодалаб бўлармикан?! Туну кун келажагимиз ворисиси бўлган муносиб авлодни ўз фарзандидек ардоқлаётган шифокорнинг меҳрибонликларинички? Бир сўз билан изоҳлаш қийин, албатта.***

***Жиззах вилояти, Бахмал туман марказий шифохонаси акушерлик мажмуасида сиз ҳар куни ана шундай бахтиёр, қувончли кунларнинг гувоҳи бўлишингиз мумкин. Ҳар бир ота-онанинг орзусига айланган «Фарзандлари соғлом юрт ҳамиша қудратлидир» шиорининг мазмун-моҳияти айнан шу бўлса не ажаб!***



## ВЕБ САЙТИМИЗ ФАОЛИЯТДА!




Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг бевосита кўмаги ва саъй-ҳаракати билан «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетаси интернет тармоқларида ўзининг расмий веб сайтига эга бўлди. Сайтнинг номи газетада кўрсатилган электрон манзилимизга ҳамоҳанг равишда **www.uzss.uz** дея номланиб, унда сиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгилик ва долзарб мавзудаги мақолалар билан танишиш имкониятига эга бўласиз. Сайт газетанинг имкониятларига таянган ҳолда уч тилда тайёрланди. Ўзбек ва рус тилида яратилган саҳифаларда сиз газетамизда эълон қилинган турли рукнлар остидаги оммабоп мақолалар, мутахассис материаллари, хорижий ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида инглиз тилидаги махсус саҳифа табиийки, ҳеч бир кишини, фойдаланувчини бефарқ қолдирмайди.

Умид қиламизки, сиз сайтимизда эълон қилинган ҳар бир мақолани синчковлик билан кузатиб борасиз, агарда сизда бирор бир фикр ёки мулоҳазалар туғилгудек бўлса, унда сайтимиз почтаси **uzss@inbox.ru** ёки муштарийлар билан алоқа саҳифасида яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишингиз мумкин.

***Тиббиёт янгиликлари сари олға интилаётган www.uzss.uz расмий сайти ҳамиша сизнинг яқин ҳамкорингизга айланиши шубҳасиз.***

*Келажак овози — 2007*

## ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОР: ЯРАТУВЧАНЛИКНИНГ МОҲИР УСТУНИ

***Мамлакатимизда ўсиб, вояга етаётган ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш, уларга ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига кўмаклашиш, истеъдод ва интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун моддий ва маънавий жиҳатдан имконият даржасида шароитлар яратиш, республикамиз бўйлаб турли йўналишларда ижод қилаётган, ўз қобилиятини намоён этаётган ёшларни рағбатлантириш, уларнинг ижодини республика даражасига кўтариш, янги иқтидор қирраларини очиш, ёшлар орасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш мақсадида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати миллий кенгаши ҳамкорлигида ёшларнинг «Келажак овози» Республика кўрик-танлови мана уч йилдирки, ўзига хос тарзда ўтказиб келинади. Ҳар йилгига қараганда бу йил иштирокчилар сони нисбатан ортиб, номинациялар қаторига янги спорт йўналиши жорий этилди. Хабарингиз бор, республикамизнинг барча ҳудудларида саралаш босқичлари бўйича тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шу маънода жорий йилнинг 13-15 август кунлари Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам танловнинг саралаш босқичлари ниҳоясига етказилди.***

«Келажак овози» Республика ёшлар танлови ташкил қилинган йиллардаёқ ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотди. 2005 йил танловнинг саралов босқичларида барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 3187 нафар йигит-қиз иштирок этди. Шундан 260 нафари Республика босқичига йўлланма олиб, улар орасидан 40 нафаригина «Келажак овози» мега-танловининг 2005 йил мутлақ ғолиблигига эришган эди. Қарангки, танловнинг муваффақиятли ўтгани ва кенг жамоатчилик эътиборига тушганлиги сабабли 2006 йилда «Келажак овози» кўрик-танловининг жамоатчилик кенгаши тузилди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати кўмагида 2006 йил март ойида «Келажак овози» лойиҳасига миллий мақом берилиб, унинг ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган барча бирлашма ва муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлик механизми ишлаб чиқилди. Ўтган йилнинг май ойида эса «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси қошида фаол ёшлар саъй-ҳаракати билан «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази тузилиб, мақсадли вазифаларга қаратилди. Ушбу марказ ўз-ўзини бошқариш асосида тузилган бўлиб, у «Келажак овози» амалий танловининг пойдеворини яратмоқда. Унда фаол ва интилувчан ёшлар, шулар қаторида «Келажак овози» танловининг бўлажак иштирокчилари марказ орқали ўз ғояларини ҳаётга татбиқ этиши, билим ва малакаларини ошириши, ўз истеъдодини ривожлантириш устида биргаликда ишлаши мумкин. Яратилган кенг шарт-шароит ва имкониятларнинг барчаси ёшлар учун экан, бу йўлда республикамизнинг турли ҳудудларидан бугун ҳар томонлама истеъдодли, иқтидорли ёшлар ўз-ўзидан шаклланиб бормоқда.

Янги ғоялар, интеллектуал қарашлар, замонавийлик акс этган моҳирона кашфиётлар, бизнес режалару, архитектура ва дизайн санъатининг нодир намуналарини яратишга қодир ёшлар бор экан, улар меҳнатини қадрламай, эъзозламай бўлмайди, албатта. Ана шундай масъулиятли ишга бутун фаолиятини бахшида этган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси том маънода истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида етакчилик қилаётган жамоат ташкилотларидан бири ҳисобланади. Навбатдаги Тошкент шаҳри ва вилояти саралаш босқичида жами 3306 нафар қатнашчидан аризалар қабул қилинди.

**(Давоми 2-бетда).**

## БУГУНГИ САҲИФАЛАРДА:

**АМАЛИЙ ТАТБИҚДАН ТАҲЛИЛИЙ ХУЛОСАГАЧА...**



3

**ХАЛҚ ЭЪТИБОРИДАН ҚОЛМАЙЛИК!**



5

**ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН МУҲИМ!**



6

**СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ДЕОНТОЛОГИИ В ДЕРМАТОЛОГИИ**

7




8

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТАМИЗ: uzss@inbox.ru**

O'zbekistonda sog'liqni saqlash

№ 33 (549)
2007 йил 21 август

*Келажак овози – 2007*

## «Келажак овози» республика кўрик-танловини ёритишга»

*Танлов ўз ичига бугунги ёшлар учун қизиқарли бўлган санъат ва ижтимоий фанларнинг турли йўналишларини қамраб олади. Бу эса ўз навбатида ёш иштирокчиларнинг профессионал ва ижодий қарашлари кенглигини белгилаб беради: булар ёзувчи, рассом, журналист, иқтисодчи, социолог, психолог, ахборот технологиялари мутахассислари ва бошқалардир.*

*Таъкидлаш жоизки, бу йилдан эътиборан танловга спорт номинацияси ҳам қўшилди. Бундан ташқари, эндиликда танлов ғолиблари мамлакатимиздаги хоҳлаган олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилинади. Тошкент шаҳри ва вилоятидан жами 3306 нафар иштирокчи қатнашган бўлса, уларни номинациялар асосида қуйидагича тақсимлаш мумкин:*

*Тасвирий ва амалий санъат — 810 нафар;*
*Архитектура ва дизайн — 315 нафар;*
*Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар — 84 нафар;*
*Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа — 84 нафар;*
*Бадиий ижод ва публицистика — 1320 нафар;*
*Ахборот ва коммуникация технологиялари — 183 нафар;*

*Спорт йўналишида эса 410 нафар иқтидорли ва истеъдодли ёшлар қатнашиб, ўзаро беллашдилар.*

*Қуйида танлов иштирокчиларининг фикрлари ва янгича қарашлари билан қизиқдик.*

# ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОР: ЯРАТУВЧАНЛИКНИНГ МОҲИР УСТУНИ



**Жамшид МИРСОЛИЕВ** 1986 йилда Тошкент вилояти, Келес туманида дунёга келди. У мактабда ўқиб юрган кезлари санъатга, мусиқа ва маданиятга бўлган қизиқишлари билан бир неча бор танлов ва тадбирларда иштирок этди. Гарчи унинг оиласида санъат йўлини танлаган инсонлар бўлмасада, лекин Жамшид бу йўлдаги интилишларининг бош сабаби ота-онасининг диққат-эътибори ва назарида эканлигидан деб билади. У дастлаб Ш. Ёрматов номидаги «Булбулча» ракс-ансамблида иштирок этиб, илк ижод намуналарини тўгарак ҳаётида яратиб боради. Кейинчалик у санъатга бўлган астойдил қизиқишлари туфайли Ю. Ражабий номли педагогика коллежини тамомлаб, Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Эстрада хонандалиги» факультетига қабул қилинади. У ўқиш жараёнида кўп бора «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг байрам тадбирларида бошловчи, ҳаваскор хонанда сифатида фаол қатнашади. Институтда ўтказилган «Ўзбекистон Ватаним маним», «Ўзбекистон композиторлари» сингари мусиқа-танловларида муносиб ўринларни эгаллаб келган. Жамшид институтнинг битирувчи талабаси. У бу ерда санъатнинг нозик сирларини устози Павел Борисовдан мукаммал ўрганиб келмоқда. Ўз санъат услубини яратаётган, ёш ҳаваскор Жамшид Мирсолиевнинг ижодини кузатар экансиз, унинг янги «Овора», «Кел» сингари қўшиқлари, ундан ташқари, хорижий тилларда маромига етказиб ижро этилган янги қўшиқлар сараси сизни бефарқ қолдирмайди. Тинимсиз изланишларда меҳнат қилаётган қаҳрамонимиз «Келажак овози» Республика ёшлар танловининг «Бадиий ижод» номинацияси бўйича иштирок этмоқда.

— Гоҳида бу йўлни танлаб адашмадиммикан, деб ўйлаб қоламан. Чунки, санъатнинг йўли қанчалик оғир ва машаққатли эканлигини мана энди англаб етяпман. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир санъаткор учун ягона, нодир асар намунасини яратиш ўз-ўзидан туғилиб қолавермас экан. Мен ўйлайманки, бу танлов ҳар бир иштирокчининг дунёқарашини ўзгартириб, янгиликка, санъатга бўлган қизиқишини орттиради. Айниқса, танлов жараёнида ўз маҳоратимизни тажрибали ҳайъат аъзолари олдида синаб кўриш, ижро санъатини кўрсатиш, назаримда, ҳар бир тенгдошим учун катта мактаб бўлса керак, — дейди Жамшид Мирсолиев биз билан суҳбатда.

Биз ҳам ўз ўрнида унинг ишларига омад тилаб қоламиз.



**Жанона МАҲКАМОВА** 1989 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Зиёли оилада тарбия топганлиги учун 1995-2003 йиллар давомида Тошкент шаҳридаги 241-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, азалий орзуси бўлган — тиббиёт ходими бўлишдек шарафли касб йўлини танлаб, илк таълим босқичини П. Ф. Боровский номли тиббиёт коллежидан бошлайди. У бу ерда тиббиётнинг сиру синоатлари, қийинчилигу машаққатларини енгиб ўтишга астойдил ҳаракат қилиб, ўз устида тинимсиз ишлайди. Лекин Жанона бўш қолди дегунча асосий вақтини тикувчиликнинг қуроқ йўналиши бўйича нодир асарлар, ноанъанавий янги намуналарини яратишга интилади. Ундаги бу қизиқиш мактаб давридаёқ пайдо бўлади. У ўзининг биринчи устози сифатида мактабдаги меҳнат дарси ўқитувчиси, давлат таълим стандартига биринчи бўлиб қуроқ йўналишини олиб кирган «Шуҳрат» медали совриндори, волидаи муҳтарамаси Гули Маҳкамовани тилга олар экан, илк қизиқишлари ва саъй-ҳаракатларининг бош сабабчиси меҳрибон онажониси эканлигини таъкидлайди. Ҳақиқатда қуроқ йўналиши тасвирий санъат намуналари орасида энг мураккаб ва нозик санъат йўналиши ҳисобланади. Айни пайтда Жанона танловда «Тасвирий ва амалий санъат» номинациясининг қуроқ йўналиши бўйича иштирок этмоқда. У кўп бора мактаб пайтларида Республика танловларида қатнашиш бахтига муяссар бўлади. Жумладан, 2000-2001 йилларда ўтказилган «Иқтидорли болалар» анжуманида фахрли 1-ўринни, «Қўли гул уста» (2001), «Зукко авлод — 2002» 11-шаҳар фестивалида ҳам асосий ўринларни қўлга киритиб келди. Ҳозирги танлов босқичида у дастурхон, болалар кўрпаси ва ёстиқ жилдларидан иборат қуроқ намуналари билан иштирок этди.

**Жамшид ИБАДОВ** «Келажак овози» Республика кўрик-танловининг «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа» номинацияси бўйича қатнашиб, ўзининг изланишлари асосида ҳайъат аъзоларига мармар чиқиндиларидан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қурилиш материал ва биноларининг ташқи жойларига ишланмалар тайёрлаш, декоратив мақсадларга жавоб берадиган янги бизнес лойиҳасини тақдим этди. Мазкур ишдан кўзланган асосий мақсад бу — аввало, лойиҳанинг келажакдаги муваффақияти, сотиш пунктидаги мураккабликларни бартараф этиш орқали ягона самарадорликка эришишдир.

Жамшид Чилонзор туманидаги 131-мактабни тамомлаб, Тошкент Молия лицейига ўқишга қабул қилинади. Сўнгра, 1998 йил Тошкент Молия институтининг бакалавр, 2002-2004 йиллар оралиғида эса магистратура босқичини муваффақиятли тамомлайди. У айни кунда пойтахтимиздаги «Кредит стандарт» банкида бош мутахассис лавозимида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон иқтисодини юксалтириш йўлида тинимсиз изланаётган яратувчан, истеъдодли қаҳрамонимиз Жамшид Ибадов бир неча бор иқтисодиёт бўйича эълон қилинган «Энг яхши мақола» танловида қатнашиб, фахрли 2-ўринни қўлга киритади. У мазкур лойиҳани амалга ошириш чоғида бир нечта иқтисодиёт корхоналарининг амалдаги фаолиятини ўрганиб, маркетинг тадқиқотларини олиб борди.

– Бизнес режани келажакда такомиллаштириб, унинг халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишини таъминлаш бош мақсадим экан, бу йўлда доимий изланишлар, янгидан-янги ғояларни кашф қилишга ҳаракат қилишим кераклигини бугун давр талаб қилмоқда, – дейди биз билан суҳбатда Ж. Ибадов.

Аҳолига ҳам қулайлик, ҳам эҳтиёжлар учун мукаммал хизмат қиладиган мақсадли ғоялар ҳеч қачон ерда қолмаслигини билган Жамшид келгусида ҳам бу ишларни янада жадаллик билан давом эттиришга астойдил ҳаракат қилмоқда. Унинг танловда тақдим этган бизнес лойиҳаси ўйлаймизки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади.



**Наргиза РАҲМОНОВА** Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрида таваллуд топган. Айни кунда А. Навоий номли 9-ўрта умумтаълим мактабида таҳсил олади. У бу йил танловда «Бадиий ижод» номинациясининг шеърият йўналиши бўйича иштирок этмоқда. Наргиза серқирра ижодкор. У ёшлигиданоқ шеърлар ёдлашга, ўзи ҳам кичик-кичик шеърлар ёзишга қизиқарди. Ана шу қизиқиш ва интилиш Наргизани шеърият бўстонига олиб кирди. Унинг илк шеъри «Ватаним» деб номланиб, 9 ёшида «Эрудит» газетасида чоп этилган. Ҳозирга келиб Наргизанинг ижодий ишлари 300 дан ортиқ, уларнинг аксарияти республикамизнинг «Ғунча», «Билағон», «Мезон», «Эрудит», «Тонг юлдузи», «Тошкент ҳақиқати», «Бекобод ишчиси», «Оила ва жамият», «Соғлом авлод» сингари газета ва журналларида нашр этиб келинмоқда. 2003 йилда Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Мустақиллик менга нима берди?» Республика иншолар танловида у фахрли I ўринни, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббуси билан ўтказилган «Истеъдод — 2004» иқтидорли болалар анжуманида эса 3-ўринни қўлга киритган.

Анъанавий тарзда ўтказиладиган «Йил сардори» Республика кўрик-танловининг 2006-2007 йилларда бўлиб ўтган вилоят босқичларида «Сардор – 2006», «Сардор – 2007» номинацияларида мутлақ ғолибликка, 2007 йил «Йилнинг энг ташаббускор сардори» номинациясида муносиб ўринга эга бўлган. Наргиза ёш бўлишига қарамасдан «Камалак» болалар ташкилотининг сардорлар кенгаши раиси вазифасида ҳам фаолият юритади. У ўтказилган навбатдаги саралов босқичида бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев шарафига бағишлаб, «Миллат ғурури» номли шеърини ҳайъат аъзоларига тақдим этди. Наргизанинг келажакдаги орзуси Зулфия номидаги давлат мукофотининг ғолиби бўлишдир.

**1-2-саҳифа материалларини Намоз ТОЛИПОВ тайёрлади.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

*Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.*

# «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури амалда

Ўзбекистон Республикаси

Халқаро тараққиёт уюшмаси

ADB
Осиё тараққиёт банки

gain
Озиқланишни Яхшилаш Глобал Алянси

2007 й
№ 8

## «Саломатлик — 2»
## «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари



**«Health — 2»**
**«Women and Child Health Development» and «National flour fortification programm» Projects**

**Проекты «Здоровье — 2»**
**«Укрепление здоровья женщин и детей» и «Национальная программа по фортификации муки»**



*Семинар*

# АМАЛИЙ ТАТБИҚДАН ТАҲЛИЛИЙ ХУЛОСАГАЧА...

**Мамлакатда тиббиёт тизимини ислоҳ қилишнинг янги, замонавий ташкилий услубларини яратиш, белгиланган тартибдаги ислоҳот жараёнларини жадаллаштириш, шу жумладан, аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш каби мақсадли вазифалар мана тўққиз йилдирки, узил-кесил, изчиллик асосида олиб борилмоқда. Шу маънода 1999 йил «Саломатлик-1» лойиҳасининг амалиётга татбиқ этилиши том маънода юқоридаги кўрсатмаларга жавоб бўлди, десак хато бўлмайди. Жойларда қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш, умумий амалиёт врачларини тайёрлаш, муассасаларга керакли тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш, малакали кадрларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш сингари ислоҳотлар 1999 йиллардан то шу кунгача амал қилиб келмоқда. Фақатгина «Саломатлик-2» лойиҳасининг навбатдаги вазифаларидан бири шуки, БТСЁК муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, янгича тамойилларга асосланган бошқарув механизмини яратиш вазифалари амалиётда устувор қилиб олинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 217-сонли Қарори асосида молиялаштириш ва бошқариш тизимининг шаҳар модели ишлаб чиқилиб, унга эксперимент тариқасида Марғилон, Гулистон, Самарқанд ва Тошкент шаҳридаги поликлиникалар фаолияти олинди. Бугунга келиб, улардаги иш жараёни, ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, ўрганиб келинмоқда.**

*Шу маънода жорий йилнинг 10 август куни Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаларининг ташаббуси билан «Аҳолига биринчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш (БТСЁК)-нинг шаҳар моделини татбиқ қилиш» мавзусига бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.*

Юқорида таъкидлаганимиздек, семинарда вазирликнинг мутасадди раҳбарлари, эксперимент тариқасида олинган Марғилон, Гулистон, Самарқанд, Тошкент шаҳарларидан ташриф буюрган лойиҳа ижрочилари, поликлиника мудирлари ва бошқа тегишли раҳбарият ходимлари иштирок этдилар.

Семинарни Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Камилов кириш сўзи билан очиб, айни пайтда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самараси, жойларда татбиқ этилаётган янги модель тушунчаларининг мазмун-моҳияти, афзаллик ва қулайликлари, эксперимент вилоятлардан кўзланган натижалар, мақсад ва хулосалар хусусида кенгроқ тўхталди. Тадбирнинг биринчи масаласи бўйича вазирликнинг мутасадди раҳбари Б. Ҳошимов Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар, шаҳар моделини пилотлаштириш бўйича кейинги чора-тадбирлар тўғрисида маъруза қилар экан, эксперимент ҳудудларда эришилган ютуқлар баробарида баъзи бир камчиликларни ҳам айтиб ўтди. Биринчи маърузадан сўнг иштирокчилар бюджет коэффициентларининг ҳисоб-китоби, кадрлар малакаси ва уларнинг миқдори ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, бирламчи тиббий санитария ёрдамини кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базаси, бошқарув механизми ва кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз босқичлари борасида ҳам айтарли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Семинарда «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳаларининг вилоят бўйича директорлари сўзга чиқишиб, жорий йилнинг олти ойи давомида эксперимент поликлиникаларда олиб борилган ишлар, муассасаларга тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш, умумий амалиёт шифокорларини ўқитиш ва бу мақсадли ишларга сарф этилаётган маблағлар ҳисоб-китоби ҳамда ўз-ўзини молиялаштириш тизимида ушбу вазифаларни амалга ошириш шарт-шароитлари тўғрисида маъруза қилдилар. Шу ўринда семинар иштирокчилари муассасаларда штат нормативларини мувофиқлаштиришга доир масалаларга ҳам алоҳида урғу бердилар.



Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар 4 гуруҳга бўлиниб, молиялаштириш ва бошқаришнинг шаҳар моделини ўзлаштириш, татбиқ этиш, халқаро аҳамиятга эга янгиликларни амалиётга олиб кириш, умумий амалиёт шифокорлари малакасини ошириш, билимларини мустаҳкамлаш, ўз-ўзини бошқариш тизимида муассасанинг моддий-техник базасини яхшилаш, салоҳиятли кадрларни қўллаб-қувватлаш, ҳар бир БТСЁК муассасасида бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйиш каби долзарб ва айни пайтда муҳим бўлган вазифалар муҳокама қилинди ва белгилаб олинди.

Тан олиб айтиш керак, баъзи тиббиёт муассасаларида амалдаги қонунчиликдан кўра, ишлар анчагина маромига етказилган. Кадрлар савияси бугунги талаб даражасида эканлиги, умуман аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлардаги самарадорлик, шунингдек, муассасанинг моддий-молиявий аҳволининг босқичма-босқич яхшиланиб бораётганлигини баъзи бир поликлиника ёки қишлоқ врачлик пунктларида кўриш мумкин. Шундан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, мазкур тадбирда муассасалардаги ишлар кўлами бир-бирига яқин бўлиши мумкин, лекин олиб борилган ислоҳотлардаги ўзгариш ва камчиликлар таҳлилини алоҳида эътибор билан ўрганишга тўғри келади. Айнан шу масалалар тадбир давомида иштирокчилар кўтараётган муҳим вазифаларга бевосита асос бўлиб турди.

*Семинар-йиғилиш ўз ишига якун ясар экан, эксперимент асосида олинган учта шаҳар ҳудудидаги поликлиникалар олиб борган фаолиятлар ўзаро таҳлил қилиниб, солиштирма-қиёсий мисоллар орқали айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Том маънода тадбир иштирокчилари бир-бирлари билан тажриба алмашган ҳолда, келгусидаги ишлари учун етарли кўрсатма ва тавсияларга эга бўлдилар.*

Ўзбекистон Республикаси | Халқаро тараққиёт уюшмаси | Осиё тараққиёт банки | Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

2007 й № 8

**«Саломатлик — 2»**
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари**



«Health — 2»
«Women and Child Health Development»
and «National flour fortification programm» Projects
Проекты «Здоровье — 2»
«Укрепление здоровья женщин и детей»
и «Национальная программа по фортификации муки»



# ЧЕКИШГА ҚАРШИ: АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТЛАР

***Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотига кўра 2030 йилга келиб, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш дунё бўйича бир йилда 10 миллионга яқин аҳоли ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолиши кутилмоқда. Агар 1990 йилда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар аҳолиси орасида содир бўлаётган ҳар уч ўлимдан иккитаси тамаки чекиш билан боғлиқ бўлганлигини инобатга олсак, 2030 йилга келиб, ушбу мамлакатларда ҳар 10 ўлимдан, 7 таси тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлади.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида Жаҳон Банки кўмагида 2006 йилнинг май ва июнь ойларида республиканинг танлаб олинган ҳудудларида аҳоли орасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг тарқалганлик даражасини ўрганиш учун изланишлар олиб борилди. Жумладан, аҳоли орасида демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг даражаси, унинг оила, жамият саломатлиги ва иқтисодига таъсири ўрганилди.

Олинган натижалардан маълум бўлдики, ҳозирги вақтда аҳоли орасида 20 % эркаклар ва фақат 1 % аёллар чекади. Эркаклар орасида нос чекиш одат тусига кирган бўлиб, уларнинг 31 % 30-39 ёшдагилар, 21 % 40-49 ёшдагилар бўлса, чекувчиларнинг аксарият қисмини 40-49 ёшдаги аҳоли (21 %) ташкил этади. Аёллар орасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш кам учрагани учун кейинги кўрсаткичлар фақат эркаклар орасида таҳлил қилинди. Эркаклар 30-39 ёшда бошқа ёшдагиларга қараганда кўпроқ нос чекишади. Уй хўжаликларида олиб борилган изланиш натижалари шуни кўрсатдики, нос чекиш қишлоқ эркаклари орасида кенг тарқалган бўлиб, аксинча сигарета чекиш эса шаҳар эркакларига кўпроқ хос. Тошкент шаҳри ва бошқа шаҳарлардаги аҳоли орасида сигарета чекиш (38 %-31 %), нос чекиш эса қишлоқ аҳолиси орасида (26 %) тарқалган.

Шаҳарликлар орасида энг кўп тамаки чекувчилар 40-49 ёшдаги (40 %), 30-39 ва 50-59 ёшдаги (38 %) эркаклар ҳисобланади. Қишлоқ аҳолиси орасида ҳам айнан шу ёшдаги чекувчи эркаклар кўпчиликни ташкил этади.



Иқтисодий ривожланган мамлакатларда тамаки чекиш олий ва ўрта маълумотли эркаклар орасида кўпроқ учрайди, айнан шу ҳол Ўзбекистонда ҳам кузатилди. Тамаки чекишга «бой одамларнинг маҳсулоти» сифатида қаралиб, иқтисодий таъминланганлик даражаси ортиши билан кўп одамлар ушбу зарарли одатни бошлайди. Республикамизда аҳолининг иқтисодий таъминланганлик даражаси ортиши билан, улар нос истеъмол қилишдан тамаки чекишга ўтади.

Ўз ҳаёти давомида қачондир тамаки чеккан эркаклар 15 %ни, аёллар эса 1 %ни ташкил қилади. Илгари чеккан эркакларни ёшига қараб гуруҳларга бўлиш шуни кўрсатадики, шаҳарликлар орасида 30-39 ҳамда 60 ва ундан катта ёшдагилар кўпроқ чекишдан воз кечган. Қишлокда эса илгари чекканлар асосан 30 ва 50 ёшларда чекишни ташлаган. Шуни айтиш лозимки, 30-50 ёшдаги илгари чекканлар орасида айнан нос истеъмол қилувчилар шаҳарда 36 %ни, кишлоқда эса 62,5 %ни ташкил этади. Бу ҳолат эса кўпчилик қишлоқдаги эркакларнинг тамакидан нос чекишга ўтиши билан боғлиқ.

Чекиш интенсивлигини таҳлил қилиш натижасида шунга амин бўлдикки, эркакларда ёш улғайиб бориши билан чекадиган кунлар, сигареталар сони ва нос миқдори ортиб боради. Олтмиш ва ундан катта ёшдагилар бир йил мобайнида ўртача бир кунда 11,6 тадан сигарета чеккан. Бу ҳолат тамаки маҳсулотларига организмнинг ўрганиб қолганлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижалари иқтисодий ўсиш билан тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини кўрсатди, масалан ёш улғайиши билан одамнинг мавқеи, маоши ошиб бориши билан бирга, истеъмол қилинадиган сигареталар миқдори ҳам ортади. Яъни 50-59 ёшдаги кашандаларнинг 46 % бир кунда камида 11 та сигарета чекади. Турли ёшдаги 50-70 % нос чекувчилар ҳар куни бир ош қошиқ (20 гр) миқдорида нос истеъмол қилади. Улар орасида энг кўп 50 ёшдаги эркаклар бир кунда 50 граммгача нос чекади. Энг таҳликали ҳолат бу 20-29 ёшдаги навқирон эркакларнинг 23 %, 30-39 ёшдагиларнинг 71 % 10 йиллик чекиш стажига эга эканлигидир. Бу эса уларнинг жисмоний саломатлигига салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Тадқиқот натижаларининг таҳлилига асосан, эркаклар орасида нос чекиш одат тусига кирган бўлиб, уларнинг 31 % 30-39 ёшдагилар, 21 % 40-49 ёшдагилар ҳисобланади. Нос чекувчилар орасида аёллар қайд этилмади, аммо 15-19 ёшдаги эркаклар орасида интенсив нос чекувчилар 1 %ни ташкил этди. Бизнингча, нос чекиш нафақат зарарли, балки хунук иллат эканлиги туфайли аёллар ва ёшлар орасида урф бўлмаган, бу эса шарқона маданиятимизнинг бундай иллатларга салбий муносабатини билдиради. Лекин шу нарса эътиборга моликки, нос чекувчилар ёши улғайиши билан 57 % дан 96 % гача ҳолатларда ҳар куни чекишга ружу қўйиб боради.

Тадқиқот натижалари шундан далолат берадики, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш меҳнатга лаёқатли кишилар орасида кенг тарқалган бўлиб, бу ҳолат уларнинг меҳнат самарадорлиги ва иш унумдорлигига



салбий таъсир этмасдан қолмайди. Шунингдек, навқирон ёшдаги эркакларнинг камида 10 йиллик чекиш стажига эга эканлиги, албатта уларнинг жисмоний саломатлигига жиддий зарар етказади.

Олинган далиллар аҳоли орасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишга қарши тарғибот ишларини кучайтириш ва чекишнинг зарари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ахборот бериб бориш зарурлигини тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб бу борада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

2006 йилда Ўзбекистонда тамакига қарши кураш дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Жаҳон Банки ва БЖССТнинг Европа регионал бюроси кўмагида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу семинарда республиканинг тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари Беларусь, Қозоғистон, Арманистон Республикалари Соғлиқни сақлаш вазирликларининг мутахассислари, Жаҳон Банки ва БЖССТнинг Европа регионал бюроси маслаҳатчилари билан биргаликда 5 йилга мўлжалланган «Тамакига қарши кураш» Миллий дастурининг биринчи лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ҳозирги кунда ушбу дастур лойиҳаси тегишли вазирликлар билан келишилмоқда.

Халқимизнинг саломатлиги йўлида хизмат қилувчи ушбу дастур ижобий қабул қилинса, Ўзбекистон ҳам ривожланган мамлакатлар қатори Бутунжаҳон тамакига қарши кураш Конвенциясига киради. Бу эса аҳоли орасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг олдини олиш ва камайтиришга қаратилган асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

**Н. МАМАТОВА,**
**Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти “Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш” кафедраси доценти, т.ф.н.,**

**Г. УСМОНОВА,**
**Тошкент Тиббиёт академияси “Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби” ассистенти,**

**Ш. ШУКУРОВ,**
**“Саломатлик-2” ва “Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамалаш” лойиҳаларини амалга ошириш қўшма бюроси мутахассиси.**

***Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.***

## *Эътироф*

# КАСБ МАШАҚҚАТИ

***Республикамизнинг тиббиёт муассасаларида ўзининг кўп йиллик меҳнати билан хизмат қилаётган жонкуяр, фидойи, камтарин инсонлар тўғрисида гап кетса, беихтиёр қалбинг эзгулик нурларига йўғрилади. Дарҳақиқат, ана шундай тиббиёт ходимлари халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилаётганлигига гувоҳ бўламиз.***

Сафар хизмати билан Жиззах вилояти, Зомин туманида жойлашган «Ўрта» қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда, у ерда 38 йилдан буён фаолият кўрсатаётган муассаса катта фельдшери Ҳаким ака билан суҳбатда бўлдик.

— Аввало, халқимга тиббий хизмат кўрсатиб, улар дардига малҳам бўлаётганлигимдан фахрланаман. Кўп йиллик тажрибам давомида фельдшер-акушерлик пункти, шаҳар тез ёрдам бўлими ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида фельдшер бўлиб ишладим. Айниқса, Зомин туманининг «Туркман» ва айни кунда «Ўрта» қишлоқ врачлик пунктларида ишлаб келар эканман, чўл шароитида яшаётган инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш осон эмас, лекин неки қийинчиликлар бўлишига қарамай, керакли амалий ёрдамларни бериб келмоқдаман. Бундан бир неча йиллар олдин қийин шароитда яшаган аҳоли учун бир неча километр босиб, туман марказига бориш, жуда мушкул эди. Шундай бўлсада, бор тажриба ва имкониятимни ишга солиб, оғир аҳволда ётган бемор бўлсада, шошилинч ёрдамни кўрсата олардим.

Айни кунда қишлоқ врачлик пунктида яратилган шароит ва имкониятлар аҳоли ҳамда муассасада фаолият юритаётган ходимлар учун ниҳоятда қўл келмоқда. Фақатгина билим ва тажрибанинг устунлиги аҳолига тиббий кафолатли хизмат кўрсатиш имконини яратиши табиий. Бу албатта, тиббий маскандаги ҳар бир ходимнинг саъй-ҳаракатига боғлиқ, деб биламан.



**Билим ва тажрибанинг маҳсули бу — касбий маҳоратнинг устуворлигидадир**

## Андижон вилояти

***Тиббиёт ходими учун энг асосий вазифа мурожаат қилиб келаётган беморнинг қалбига йўл топиб, дардига малҳам бўлиб, сифатли тиббий хизмат кўрсатишдан иборатдир. Зеро, кейинги пайтларда бирламчи бўғинда олиб борилаётган фаолиятларга назар ташлайдиган бўлсак, бу жараёнларни кенг қатламли аҳоли учун хизмат қилаётган қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари меҳнатида кўриш мумкин.***

***Куни кеча Андижон вилояти, Балиқчи тумани марказий шифохонасига қарашли «Ўрмонбек» қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда муассаса ходимлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Шунингдек, беморлар ҳамда ходимларнинг бекаму кўст ишлашлари учун яратилган имкониятлар ҳам бундан мустасно эмас.***




# ХАЛҚ ЭЪТИБОРИДАН ҚОЛМАЙЛИК!



Таъкидлаш жоизки, аҳолига беминнат хизмат кўрсатаётган умумий амалиёт шифокорлари, оила ва патронаж ҳамшираларининг саъй-ҳаракатлари билан жойларда бўқоқ, камқонлик, юрак-ишемик ҳамда юқумли касалликлар кўрсаткичи камайиб бормоқда. Демак, ишнинг асосий маҳсулини мутахассиснинг касбий ҳамда билимий маҳоратида кузатиш мумкин. Шундай экан, шифокор ва ҳамшираларнинг билим-малакасини янада оширишда «Саломатлик-2» лойиҳасининг узлуксиз таълим жараёнлари асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.



**Зарифа АКБАРОВА,**
**уй бекаси.**

— Мустақиллигимиз шарофати билан тиббиёт соҳасида катта ўзгаришлар бўлди. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг соғлигига бўлган эътибор янада кучайтирилди. Бунинг мисолини биз ҳудудимизда ишлаётган қишлоқ врачлик пункти ходимлари ишида кўришимиз мумкин. Уларнинг муомаласи, халқимизга кўрсатаётган хизмати, шунингдек, хонадонларимизда тез-тез бўлиб, оиланинг ҳар бир аъзоси соғлигини назорат қилиб, керакли маслаҳат ва тавсияларни бериши, ўрни келганда тезкорлик билан кўрсатаётган муолажаси ҳар биримизни қувонтирмоқда. Айрим ҳолларда касаллик қаттиқ хуруж қилиб қолганда муассасага бориш имконияти бўлмайди, ана шундай пайтда врач ва ҳамширалар керакли тиббий асбоб-ускуналарни (электрокардиограмма) хонадонимизга олиб келишади. Шу ернинг ўзида керакли муолажаларни ўтказиб кетишади.

Биз қишлоқ врачлик пунктида ўз билимига таяниб, аҳоли учун меҳнатини аямаётган жонкуяр, меҳрибон врач ва ҳамширалардан бир умр миннатдормиз.



**Дилфуза РАҲИМОВА,**
**қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси.**

— Ҳудудимизда 7270 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга муассасанинг тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишади. Ишлашимиз учун барча имкониятлар яратилган. Асосий мақсадимиз халқимизга тиббий, сифатли хизмат кўрсатиш. Эътироф билан айтишим мумкинки, ҳудудимиздаги аҳоли ўзини эркин ҳис этиб, масканимизга худди ўз уйларига келгандек бемалол мурожаат қилишади. Уларнинг тиббиёт ходимлари меҳнатига бўлган ишончи ҳамда тиббий саводхонлиги ошганлигини кўрганимизда қилаётган меҳнатимиз зое кетмаётганлигига амин бўлмоқдамиз. Кейинги пайтларда патронаж ҳамшираларнинг хонадонларда тез-тез бўлишлари аҳоли орасида ҳар хил касалликлар камайиши, турли иллатлардан ёшларни қайтариш, соғлом онадан соғлом фарзанд туғилишига маълум маънода эришаётганлигимиздан қувониб кетамиз. Ниятимиз халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиш экан, ҳар қандай вазиятда ҳам касбий маҳоратимизни ишга солиб, эл дуосини олиб юришдир.



**Абдували САФАРОВ,**
**«Ўрта» қишлоқ врачлик пункти мудири.**

## Жиззах вилояти

# НИЯТИМИЗ – АСТОЙДИЛ ХИЗМАТ ҚИЛИШ

***Юртимизда шундай жаннатмакон жойлар борки, унинг баҳаво табиати, кўкаламзор адирларию, хушманзара кенгликларини кўриб, баҳри дилинг очилса, у ердаги самимий инсонларни кўриб, кайфиятинг кўтарилади. Ана шу каби сўлим гўшалардан бири Жиззах вилоятининг Зомин туманидир. Гўшанинг қир-адирлари-ю, чўл-саҳроларида яшаётган меҳнаткаш инсонларга қараб, уларга яхшилик ҳамда оғирини енгил қилгинг келади. Осон эмас, марказдан олис жойларда яшаб, меҳнат қилиш. Лекин шундай бўлса-да, инсон барчасига ўзинг сабру тоқати, енгилмас шижоати ва жасорати билан яшашга ҳаракат қилади.***

***Дарҳақиқат, Зомин туманининг жазирама иссиқ кенгликларидаги ҳудудда жойлашган «Ўрта» қишлоғида бўлганимиздаги у ердаги ҚВП фаолияти билан танишдик.***

— Айни вақтда ҳудудимизда 2558 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 12 нафар тиббиёт ходими тиббий ёрдам кўрсатади. Муассасамиз шаҳар марказидан анча узоқда, яъни кенг саҳролар бағрида жойлашган бўлиб, масканимизда аҳоли учун керакли шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. 1999 йилда замонавий типда бунёд этилган қишлоқ врачлик пунктимиз «Саломатлик-1» лойиҳаси томонидан зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бир кунда 20-25 нафар атрофида қишлоқ аҳлини қабул қиламиз. Тегишли муолажаларни ўтказиб, сифатли тиббий хизматни ўз вақтида олиб бормоқдамиз. Кейинги пайтларда камқонлик, йод етишмовчилиги, юрак-ишемик касалликлари аҳоли орасида бир мунча кўпайганлиги барча мутахассислар қатори бизни ҳам ташвишга солмоқда. Шу боис, аҳоли ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишларини доимий равишда олиб бормоқдамиз. Лекин аҳолининг ҳам ўз соғлигига бўлган эътибори туфайли айрим касалликларнинг олди олинмоқда. Айтишим лозимки, муваффақиятлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжуд. Баъзи ҳолларда электр таъминотининг етарли эмаслиги, автоулов ва телефон алоқасининг йўқлиги, иш жараёнида анчагина қийинчиликлар туғдиради. Шунга қарамасдан, жамоамиз ходимлари билан келишган ҳолда оғир вазиятлардан чиқиб кетишга ҳаракат қиламиз.

Инсон соғлиги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири экан, бу биринчи навбатда тиббиёт ходимлари олдидаги масъулият юки нақадар оғир эканлигини кўрсатади. Шу сабабли, ҳар бир ходим бу йўлда астойдил хизмат қилиб, олдидаги бурчини тўла-тўкис адо этиши муҳим деб биламан.



Ўзбекистон Республикаси — Халқаро тараққиёт уюшмаси — Осиё тараққиёт банки — Озиқланишни Яхшилаш Глобал Альянси

2007 й № 8

**«Саломатлик — 2»**
**«Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш»**
**ва «Унни бойитиш миллий дастури» лойиҳалари**



*«Health — 2»*
*«Women and Child Health Development»*
*and «National flour fortification programm» Projects*
*Проекты «Здоровье — 2»*
*«Укрепление здоровья женщин и детей»*
*и «Национальная программа по фортификации муки»*



***Қон — бу ҳаёт! У томирларда тўхтовсиз ҳаракатдаги суюқлик бўлиб, инсон танасида турли функцияларни бажаради. Яъни организмни озиқлантиради, тозалайди, доимий ҳароратни таъминлайди. Ҳар қандай касаллик чақирувчи микроб ва вируслардан асрайди. Унинг қийматини дунёда ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ва бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун муҳим восита бўлиб, унинг таркибий қисмлари қон касалликлари (оғир даражадаги камқонлик, оққон, қон ивиш системаси бузилган касалликлар), саратон касалликлари, туғруқхона ва турли хил фавқулоддаги ҳолатларда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.***



# ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН МУҲИМ!

Хўш, Гёте ибораси билан айтганда, инсонларга ҳаёт бағишловчи «мўъжизакор хислатларга эга бўлган шарбат» – яъни қон тўғрисида нималарни биламиз?

Қадим замонлардан инсонлар қоннинг сирли хусусиятларини билганлар. Қон кетиш оқибатида инсонларда ўлим кузатилганлиги учун қонда «жон» бор деб ўйлаганлар. Шу туфайли дўстлик рамзи сифатида улар билакдан қон чиқаришиб, бир-бирларини қонига тегизиб, уни қўшиб бир жон, бир танмиз дейишган. Аста-секинлик билан инсонлар орасида қон тўғрисидаги тушунча шакллана бошлаган. Вильям Гарвей 1628 йилда қон айланиш тизимини кашф этган. Шу тариқа қон таркиби, қон таначаларини билиш – қон сирларини очиш, ўрганишга катта имконият яратилди.



**Таъбир жоиз бўлса, инсоннинг ҳаётини сақлаб қоладиган қоннинг аҳамияти қандай?**

Организмнинг ҳаракатдаги ўрни асосан тўқималарнинг нафас олиб туришига боғлиқ. Буни кўпроқ қон таркибидаги қизил қон таначалари – эритроцитлар бажаради. Кислородни тўқимага етказган эритроцит у ерда тўпланган карбонат ангидрид – «тутунни» олиб ўпка орқали ташқарига чиқаради. Шу сабабли, танадаги эритроцитлар кичик «ўпкачалар» деб номланади. Бу мўъжизанинг ўрнини босувчи бошқа суюқлик яратишнинг иложи ҳозиргача йўқ. Демак, қизил қон таначаларини бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди.

Табиатдаги мавжуд мувозанатни сақлаб турувчи омиллардан бири кенг тарқалган микроорганизмлар дунёси ҳисобланади. Лекин инсон организмида яшаб, кўпайиб, инсон касалланишига сабаб бўлувчи микроорганизмлар ҳам оз эмас. Бу зарарли микроорганизмлар, айниқса ўта хавфли инфекциялар (вабо, чечак, тиф, безгак ва бошқалар) эпидемияси ўтмишда, яъни уларнинг замонавий давосигача минглаб инсонларнинг умрига завол бўлган. Аммо оғир «бедаво» дардга учраган инсонлар орасида ҳам тирик қолганлар бўлган. Хўш, бунинг боиси нимада? Бу организмда ҳимоя кучини бажариш вазифаси юкланган лейкоцитлардадир. Бунда қон таначаларининг бир неча тури фарқланади. Энг муҳими, ҳар бир лейкоцит турининг ўзига хос аниқ вазифаси бор. Улар инсон ҳаётида катта вазифа бўлган организмнинг гуморал ва ҳужайра иммунитетини яратади. Бу билан организмни зарарли микроорганизм, умуман кераксиз чиқиндилардан тозалаб туради. Бу серқиррали фаолиятни фақат инсон қон элементигина бажаради. Дардга чалинган – ёрдамга муҳтож бўлган беморларга фақатгина донорнинг ўта муҳим бўлган ҳимоя элементлари – лейкоцитларгина ёрдам бераолади. Бошқа ҳеч қанақа даво муолажаси ўрнини донор қони – қон элементидай боса олмайди.

Қон – ҳаёт ва жонга тенглаштирилганлиги учун – қон кетиш ҳолати билан кечадиган касалликлар доимо катта хавф ва қўрқинч билан қабул қилинади. Қонни ўз вақтида тўхтатиш шифокордан катта билим ва тажриба талаб этади. Шу туфайли тиббиётда қон тўхтатишга хилма хил даво тизимлари ишлаб чиқилган. Бу қоннинг ивишини яхшилайдиган, тромбни эритувчи препаратлар ва ҳоказолардан иборат бўлган кўп сонли дори-дармонлардир. Шунга қарамасдан, улар инсон қони таркибидаги қонни ивитувчи, тромбни эритувчи ва бошқа табиий факторларнинг ўрнини босаолмайди. Бу вазифани бажарувчилар қон таркибидаги қон пластинкалари – тромбоцитлар ва плазмадаги қатор факторлардир. Бемор буларга муҳтож бўлса, албатта, донорга мурожаат қилади. Донор қонидаги қонни тўхтатувчи, яъни унинг таркибидаги беморга керак бўлган компонентларни ажратиб олиб беморни даволашади. Қоннинг бу хусусиятини хам бошқа ҳеч қанақа дори-дармон билан алмаштириб бўлмайди.



Неча-неча асрлардан буён тиб илмининг мутахассислари инсонга ҳаёт бериб турувчи қоннинг сирини мукаммал ўрганиб, унинг хусусиятларини ойдинлаштириб келмоқда. Лекин илм-фаннинг юксак тараққиётига қарамай, бугунги кунда қоннинг ҳамма хоссаларини ўзида жам қилган бирон-бир сунъий модда кашф этилганича йўқ. Қон ўрнини босувчи суюқликларда қоннинг айрим хоссаларинигина кузатиш мумкин. Шу туфайли, даволаш муассасаларини қон ва қон компонентлари, препаратлари билан таъминлашда донор хизмати катта. Айтиш мумкинки, қон хизмати ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли тарғибот ишларининг кучайтирилиши боис, уларни ижодкор касб эгалари, десак муболаға бўлмайди.

Донорлар – ўз қонини беморларга ҳадя қилиб, уларга ҳаёт бағишловчи олижаноб кишилардир. Бутун умрини донорликка бахшида этган меҳри дарё юртдошларимиз оз эмас. Хулоса қилиб айтганда, «Қон – бу ҳаёт, унинг қийматини дунёда ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмайди».

Шундай экан, инсонларга ҳаёт бахш этаётган донорлар ҳамда мўъжизакор қон соҳаси хизматчиларининг савобли ишларига омадлар тилаб, узоқ йиллар халқ ардоғида бўлиб юришларини тилаб қоламиз.

**Х. ФАРМОНҚУЛОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

*Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.*

*Қисқа сатрларда...*

## КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР



**Саида ҲАКИМОВА,**
**Андижон вилояти, Балиқчи тумани «Ўрмонбек» қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси.**

— Касбим билан ҳақли равишда фахрланаман. Чунки, ҳар қандай бемор қалбга нажот бағишлашнинг ўзи бўлмайди. Яқиндагина «Саломатлик-2» лойиҳаси доирасида олиб борилаётган патронаж ҳамшираларнинг уч кунлик ўқув семинарида иштирок этиб, шахслараро мулоқот бўйича катта кўникмага эга бўлдим. Мен бундан ғоят мамнунман. Бу албатта, фаолиятимда асосий ўрин тутишига ишончим комил. Қўлимдан келгунича халқим саломатлиги йўлида хизмат қилишга тайёрман.

**Насиба ЖЎРАЕВА,**
**уй бекаси.**

— Бир неча йиллардан буён астма касаллиги билан қийналиб келаман. Гоҳида шундай хуруж тутадики, шифокор кўмагисиз ўзимга кела олмайман. Дарҳол яқинимиздаги «Ўрмонбек» қишлоқ врачлик пунктидаги тиббиёт ходимларига мурожаат қиламан. Улар шошилинч келиб, биринчи ёрдамни кўрсатишади. Айниқса, тиббиёт ҳамшираларининг хонадонимизга тез-тез келиб, ҳолимиздан хабар олиши ва керакли ёрдамни кўрсатишини биз учун катта таянч бўлмоқда. Ана шундай меҳрибон, жонкуяр, ўз касбига садоқатли инсонлар меҳнатидан хурсандман.

*Саҳифалардаги мақолалар Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.*

**Совместное бюро реализации проектов «Здоровье-2», «Укрепления здоровья женщин и детей».**
**И.О. Исполнительного директора Максумов Джамшид Джалолович.**
**700007, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51, ТашИУВ, Административный корпус, 3-й этаж.**
**Контактные телефоны: 68-08-19, 67-73-47.**
**Факс: 68-25-39, E-mail: office @ jpib.uz.com.uz.**

**Над спецвыпуском работали: И. СОАТОВА, Н. ТОЛИПОВ.**

*Орамиздаги одамлар*

# ҚАМТАРГА КАМОЛ

***Ҳаётда шундай одамлар бор-ки, улар машаққатли меҳнатлари, касбларига фидойиликлари, оддий, камтарин, самимийликлари билан эл-юртда катта иззат-ҳурмат, эътиборга сазовор бўлишган.***

***Ана шундай азиз ва табаррук инсонлардан бири Мажидхон Мўминовдир. У кишини республикамиз соғлиқни сақлаш ходимлари, айниқса доришунослар жуда яхши билишади, ўзларининг беназир ва бетакрор устозлари, мураббийлари сифатида сидқидилдан эъзозлашади.***



Дарҳақиқат, Мажидхон Мўминов меҳнатсеварлиги, тиришқоқ, ташаббускорлиги, ҳалол ва покизалиги туфайли дорихоналар базаси оддий ходимлигидан Республика дорихоналар Бош бошқармаси раҳбаригача бўлган ўта масъулиятли ва мураккаб йўлни улкан жасорат ва мардонаворлик билан босиб ўтди. Республикамизда доришунослик ишини илмий-амалий жиҳатдан ташкил этиш борасидаги замонавий муаммолар ечимини ақл-идрок билан оқилона ҳал қилди, унинг ривожига катта ҳисса қўшди.

Тошкент Фармацевтика институтини 1951 йилда имтиёзли тугатиб, дастлаб Қашқадарё вилоятида дорихона мудири бўлиб иш бошлаган Мажидхон Мўминов, орадан кўп ўтмай вилоят дорихоналар бошқармаси бошлиғи лавозимига кўтарилди. Меҳнатсеварлиги, кўпчилик билан ишлаш қобилияти борлиги эвазига тез орада Шаҳрисабз шаҳар Кенгаши ноиби этиб ҳам сайланди.

Мажидхон Мўминовнинг ўз касбига ўта содиқлиги, адолатпарвар, шогирдсеварлиги, ўзига ва қўл остидаги ходимларга ниҳоятда талабчан ва қаттиққўллиги, ажойиб ташкилотчилик қобилияти, айниқса, унинг 1956-62 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси дорихоналар Бош бошқармаси бошқарувчиси бўлиб ишлаган кезларида ёрқинроқ намоён бўлди. Бу ноёб хислатлар 1964 йилдан бошлаб, Мажидхон Мўминовнинг Тошкент шаҳридаги қизғин меҳнат фаолиятида янада шаклланди, янги-янги қирраларини очди. У турли йилларда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли дорихоналар Бош бошқармасининг Марказий омбор мудири, Тошкент шаҳар дорихоналар, «Медтехника» бошқармалари бошлиғи ва ниҳоят, «Тиббиёт анжомлари» жамоа корхонасининг раҳбари лавозимларида ҳалол ва фидокорона меҳнат қилди, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони, кўплаб фахрий ёрлиқлар, республика аҳамиятига молик пенсионер соҳиби бўлди.

Айни пайтда ҳамон ғайрат, ташаббусга тўлиб-тошиб, муборак 80 ёш остонасидан мардона сакраб ошиб, тўқсоннинг эшигини тақиллатиш, юз билан юзлашиш ниятида шукроналик билан умр кечираётган Мажидхон Мўминов Республика уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватловчи «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Кенгаши раиси сифатида катта жамоатчилик ишлари билан банд.

Фурсатдан фойдаланиб, тиниб-тинчимас фидокор, қобил инсон, муҳтарам устоз ва мураббий Мажидхон Мўминовни табаррук ёшлари билан чин қалбдан қутлаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, бардамлик, оилавий бахт-саодат, эзгу ишларида омад тилаймиз!

**Искандар РАҲМОН,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси.**

**СУРАТДА:** *Мажидхон ота ҳамкасби ва шогирди Алихон Мўминов билан.*

*Биоэтика*

***Особенностью кожной патологии являются проявления различных изменений на коже, причем на открытых участках, что влияет на «качество жизни» пациентов, поэтому зачастую больные стремятся скрыть эти проявления не только от окружающих, но даже и от своих родственников.***

# СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ДЕОНТОЛОГИИ В ДЕРМАТОЛОГИИ

Последние годы характеризуются значительным увеличением разнообразных кожных заболеваний, среди которых наиболее частыми являются псориаз, витилиго, гнездная плешивость, розовые и вульгарные угри, при которых высыпания локализуются преимущественно на открытых участках кожного покрова. Наличие этих заболеваний вынуждает пациентов обращаться в различные медицинские учреждения, к табибам и «знахарям», где не всегда им оказывается адекватная терапия. Излишняя забота и обращение к частнопрактикующим лицам, нередко без медицинского образования приводит зачастую к разнообразным осложнениям дерматозов, что, естественно, угнетает самого пациента, с потерей веры в выздоровление. Такое положение приводит к замкнутости пациентов, теряется их вера в излечение, что значительно повышает роль деонтологических подходов между врачом и пациентом. Следует подчеркнуть о необходимости достаточного информирования для самих пациентов природы их заболевания, методах терапии и дальнейшем течении лечебного процесса, так как необходимо сделать пациента «соучастником» его же собственного лечения. Только в таком случае можно создать доверительные отношения между врачом и пациентом, что, несомненно, скажется на эффективности проводимой терапии.

Многолетний опыт показывает, что излишняя информированность родственников и окружающих больного отрицательно сказывается на общем процессе лечения.

Следовательно, современный подход к решению деонтологических проблем, в первую очередь определяется отношением самого пациента к своему заболеванию, которое возможно только с участием квалифицированного дерматолога.

**П. МЕНЛИКУЛОВ,**
**А. РАХМАТОВ.**

## ПОСЛЕДНИЕ НОВОСТИ

***В Фергане завершился областной этап смотра-конкурса "Здоровая мать – здоровый ребенок". В нем приняло участие более 20 представителей из всех городов и районов области.***

С первых лет независимости в нашей стране ведется большая работа по охране здоровья матерей и детей, формированию здорового образа жизни. Особенно высокую роль в этой работе играет сотрудничество государственных и общественных организаций.

В Государственной программе "Год социальной защиты" также уделено важное внимание вопросам организации мероприятий по развитию движения "Здоровая мать – здоровый ребенок", конкурсов по пропаганде здорового образа жизни. Эту же цель преследует и данный смотр-конкурс.

Его участники продемонстрировали свои таланты и мастерство по нескольким номинациям. По итогам смотра первое место заняла медсестра детской поликлиники Багдадского района Шахноза Хабиева. На последующие места вышли акушерка Кокандского роддома Наргиза Муминова и учительница из города Ферганы Дильбархон Хамрокулова.

**М.СУЛЕЙМАНОВ, УзА.**

## ЭЪЛОН

***ОИТС, сил ва безгакка қарши курашиш учун Глобал жамғармаси томонидан қўллаб-қувватланаётган: «Ўзбекистонда 2005-2009 йилларда безгак билан касалланиш хавфи юқори бўлган аҳолига қаратилган ҳаракатни кенгайтириш» № UZB-405-G02-M лойиҳасини амалга ошириш бюроси безгак ва унга қарши курашиш йўналишида илмий-амалий тадқиқот ишлари бўйича танлов эълон қилади.***

***Танлов натижалари бўйича 2 та лойиҳага грант ажратилади.***

**Мурожаат учун телефонлар:**
***120-32-93, 120-32-94.***
***Қабул ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача, шанба ва якшанба кунларидан ташқари.***
**E-mail:*gfmalaria@uz***
***Манзил: 700097. Тошкент шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 46-уй. Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, безгакка қарши Глобал жамғармасининг лойиҳасини амалга ошириш бюроси (7-қават).***
***Аризани қабул қилиш муддати – 2007 йилнинг 1 декабригача.***

## ОБЪЯВЛЕНИЕ

***Бюро по реализации грантового проекта «Расширение противодействия малярии в Узбекистане: фокус на уязвимом населении, 2005-2009 гг.» № UZB-405-G02-M, финансируемого Глобальным Фондом для борьбы со СПИДом, туберкулёзом и малярией объявляет отборочный конкурс научно-прикладных исследовательских работ в области малярии и борьбы с ней.***

***По итогам конкурса будут отобраны два научно-прикладных проекта.***

**Обращаться по телефонам:**
***120-32-93, 120-32-94 ежедневно с 10.00 до 18.00 часов, кроме субботы и воскресения.***
**E-mail:*gfmalaria@uz***
***Адрес: 700097 г. Ташкент, ул. Халклар Дустлиги, д. 46. Республиканский Центр Государственного санитарно-эпидемиологического надзора МинЗдрава Республики Узбекистан. Бюро по реализации проекта, 7 этаж.***
***Окончательный срок подачи заявок – до 1 декабря 2007 года.***

O`zbekistonda sog`liqni saqlash

№ 33 (549)
2007 йил 21 август

*Сообщения*

***Как известно, неблагоприятная окружающая среда становится одной из главных причин заболеваемости населения различными недугами. По данным ВОЗ, здоровье населения лишь на 10-20 % определяется медицинскими аспектами, а более 70 % зависят от социальных, экологических условий и образа жизни. Загрязнение воздуха выбросами транспорта, а также промышленных предприятий, загрязнение воды и почвы – все это несомненно влияет на рост заболеваемости, особенно онкологических болезней.***

## ЭКОЛОГИЯ И ЗДОРОВЬЕ

Реформирование системы здравоохранения, следовательно, реализация ряда Государственных программ способствует снижению общей заболеваемости населения. Но это не дает основания не беспокоиться о здоровье окружающих. Во всем мире онкологические болезни являются актуальными и по сей день.

Для более подробного освещения данной проблемы и в целях реализации Госпрограммы "Год социальной защиты", Международной организацией "ЭКОСАН" и Республиканским онкологическим научным центром Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, 14 августа текущего года была проведена международная конференция на тему **"Экология и онкология"**. В ее работе приняли участие руководители и представители ряда министерств, ведомств, крупных предприятий, международных организаций и дипломатических представительств, аккредитованных в Узбекистане, а также специалисты медицинских учреждений в области онкологии.

В ходе мероприятия участниками не раз отмечалась актуальность данного мероприятия. Говорилось о том, что в деле борьбы с онкологическими болезнями должны сконцентрироваться усилия представителей всех сфер деятельности. Ведь только объединение общих сил поможет достигнуть намеченных планов.

**Г. ГИЯСОВА.**

# ИНТЕРНЕТ СООБЩАЕТ

## Пациентка на гемодиализе родила дочь

*Британка Люси Самбрук (Lucy Sambrook), страдающая почечной недостаточностью и проходящая процедуры очистки крови на аппарате «искусственная почка», родила здоровую девочку. Подобные случаи происходят крайне редко, сообщает BBC.*

19-летняя Люси страдала хроническим заболеванием почек, которое контролировалось с помощью лекарственных препаратов. После наступления беременности женщина прекратила принимать таблетки, что привело к значительному ухудшению функции почек. Врачи были вынуждены перевести Люси на аппарат "искусственная почка".

Будущая мама лечилась в королевской больнице Шрюсбери (Royal Shrewsbury Hospital). Шесть раз в неделю ей проводились сеансы гемодиализа продолжительностью более трех часов. По словам врачей, для лечения Люси они использовали специальную щадящую технику очистки крови – модифицированную безацетатную биофильтрацию, - более бережную и вызывающую меньшее число побочных эффектов по сравнению с обычными процедурами. На семь недель раньше срока Люси родила здоровую девочку, которую назвали Вики. Спустя две недели после появления на свет малышку уже выписали домой.

Что касается молодой мамы, то после родов ей уменьшили количество сеансов: сейчас ее подключают к "искусственной почке" трижды в неделю. Люси надеется, что количество процедур удастся сократить до двух в неделю, что облегчит непростой процесс ожидания донорской почки.

## Лечение поллиноза у детей снижает риск астмы



*Иммунотерапия поллиноза у детей значительно снижает риск развития астмы, утверждают датские ученые.*

*Специалисты компании ALK-Abello провели исследование с участием 117 детей, страдающих сезонным аллергическим риноконъюнктивитом, более известным как поллиноз или сенная лихорадка. Все дети страдали аллергией на пыльцу березы или на цветение трав, которая проявлялась приступами чихания, выделениями из носа, слезотечением и покраснением глаз при вдыхании пыльцы.*

В течение трех лет 64 детей лечили с помощью специфической иммунотерапии, то есть инъекций или приеме под язык малых доз пыльцевых аллергенов, в обычной ситуации провоцирующих у них развитие аллергических реакций. Доза аллергена постепенно увеличивалась и организм "привыкал" к нему, что приводило к ослаблению и постепенному исчезновению симптомов заболевания. Другие 53 ребенка получали плацебо, то есть неактивное вещество.

Наблюдение за детьми продолжалось в течение семи лет после окончания трехлетнего курса терапии. За этот период астма возникла у 24 детей из контрольной группы и у 16 детей, получавших иммунотерапию. Таким образом, иммунотерапия снижала риск развития астмы в 4,6 раза, сообщил руководитель исследования Ларс Якобсен (Lars Jacobsen).

Эффект иммунотерапии в отношении самого поллиноза (в частности избавление от насморка и покраснения глаз при действии аллергена) был достаточно стойким и сохранялся в течение всего периода наблюдений, также отметил ученый.

"В этом свете, специфическую иммунотерапию следует считать не только терапией первой линии при аллергическом риноконъюнктивите, но и вторичной профилактикой респираторных аллергических заболеваний", - резюмировал Якобсен.

***Британские ученые предложили новый способ лечения распространенного порока сердца - незаращения овального окна. С помощью рассасывающегося пластыря они стимулировали естественную способность организма к регенерации, что приводило к полному "заращению" дефекта, сообщает BBC.***

***Овальное окно представляет собой отверстие в перегородке между предсердиями, которое функционирует в период внутриутробного развития ребенка. В норме оно зарастает в первые месяцы жизни ребенка, однако у 25% взрослых окно остается открытым.***

## Лечение распространенного порока сердца

В настоящее время для закрытия дефекта используются графты – постоянные "заплатки", которые могут вызывать воспаление окружающих тканей. Ученые из лондонской королевской больницы Бромптона (Royal Brompton Hospital) предложили заменить графты на рассасывающийся пластырь. Пластырь должен был играть роль временной "затычки": стимулировать естественную регенерацию тканей и рассасываться течение 30 дней, когда дефект полностью зарастет.



Команда специалистов под руководством Майкла Муллена (Michael Mullen) опробовала новый метод лечения на 70 пациентах, страдающих незаращением овального окна. Рассасывающийся пластырь, получивший название BioSTAR, вводили в овальное окно посредством катетера. Катетер вводился в бедренную вену и по ней попадал в правое предсердие. Прикрепленный к катетеру двойной пластырь раскрывался подобно зонтику и перекрывал сообщение между предсердиями.

В течение 30 дней отверстие полностью замещалось собственными тканями организма, а пластырь рассасывался. "Этот процесс очень напоминает естественное заращение отверстия", - сообщил Муллен.

Ученый добавил, что после операции некоторые из пациентов смогли избавиться от мучительных мигреней.

Как правило, незаращение овального окна протекает бессимптомно. Однако при резком повышении давления в грудной полости (например, при кашле), отверстие открывается, что приводит к смешению артериальной и венозной крови из обоих предсердий. Недостаточное кровоснабжение головного мозга может сопровождаться развитием тяжелых мигреней. Кроме того, заболевание связано с повышенным риском развития инсульта. Новый метод лечения может стать эффективным средством борьбы с этими заболеваниями, считают ученые.

**НОВОСТИ * НОВОСТИ * НОВОСТИ * НОВОСТИ * НОВОСТИ**

## АСПИРИНУ ИСПОЛНИЛОСЬ 110 ЛЕТ

***Ацетилсалициловая кислота - действующее вещество знаменитого байеровского Аспирина® - известна практически каждому человеку на всех пяти континентах Земли.***

10 августа 2007 года человечество отмечает знаменательную дату – исполняется 110 лет ацетилсалициловой кислоте. В этот день в 1897 году, в немецком городке Вупперталь, на заводе, принадлежавшем фармацевтической компании Bayer, молодой химик Феликс Хоффман записал в своем дневнике: "Путем ацетилизации салициловой кислоты мне удалось синтезировать стабильную и чистую форму ацетилсалициловой кислоты". Ни сам первооткрыватель, ни кто-либо другой не мог тогда предугадать тот потрясающий успех, который ожидал ацетилсалициловую кислоту, как действующее вещество аспирина.

**Материалы основаны на данных интернет**

**Газета муассиси:**
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ**
**Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА**

**Таҳрир ҳайъати раиси:**
**Феруз НАЗИРОВ**
Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Маряш Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов.

**Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.**
**Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни руйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.**
**Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**
**Адади 4629 нусха. Буюртма Г-750.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**
**Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.**

**Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.**
**Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.**
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

Топширилди – 20.15. 2 3 4 5 6